

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Испания Қироли Хуан Карлос Биринчининг тақлифига биноан 2003 йил 27-29 январь кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳвали ва истиқболдаги тараққиёти, томонларни қизиқтирган халқро муаммолар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши қўшилмоқда.



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 25 январь, шанба № 15 (1440)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизimini такомиллаштириш мақсадида:

1. Хусусий тадбиркорликни кенг қўлмада ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида, корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш **мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор ўзгартиришларининг гоят муҳим ўсатувор йўналишлари** деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига тақдим этсин, унда хусусий корхоналарни ташкил қилиш ҳамда унинг фаолияти тартиби, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликнинг ўсатувор даражада ўсишини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва преференциялар тизimini кўзда тутилсин.

2. Акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблансин ҳамда уни асосан хусусий мулк сифатида сотиш амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси: 2003-2004 йилларда устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан камроқ бўлган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг давлат пакетларини фонд бозорига босқичма-босқич сотсин; икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг қондаларини ҳисобга олган ҳолда 2003-2004 йилларга мўлжалланган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Қўйидагилар белгилансин: 2003 йилнинг 1 февралдан бошлаб очик акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият рўйхатга олинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича 50000 АҚШ доллариға эквивалент суммани ташкил этади;

очик акциядорлик жамиятлари 2004 йилнинг 1 январига қадар ўзларининг устав жамғармаларини юқорида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган суммага етказишлари шарт, акс ҳолда улар белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга, асосан хусусий корхоналарга айлантириладди; масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамият қатнашчиларининг сони 50 та юридик ва jisмоний шахслардан ўсиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 декабрдаги Ф-1680-сон Фармойиши билан тузилган хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Р.Азимов) Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда устав жамғармасини белгиланган миқдорда шакллантира олмаган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш борасида мазкур бандда кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига ушбу муддатни узайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тақлифлар киритсин.

4. Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида jisмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизда барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатга солиқдан озод қилинсин.

5. Кузатувчи кенгаш қарорини давлатга тегишли акциялар пакетининг ишончли бошқарувчиси ёки давлатнинг ишончли вакили розилигини қабул қилиш мумкин бўлмайдиган; давлатнинг ишончли вакили акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган; акцияларнинг давлат пакетларини хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармасига ишончли бошқариш ҳуқуқи билан топширишга йўл қўйиладиган тартиб бекор қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, тегишли тармоқларда ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш уюшмалар, компаниялар, корпорациялар ва концернларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади ҳамда улар ўз таркибига киритиш корхоналарнинг тезкор фаолиятига аралашуш ҳуқуқига эга эмаслар.

7. Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг Комплекслари билан биргаликда 2003 йилнинг биринчи ярмида устав

жамғармалари тегишли тармоқлар корхоналарининг давлат активлари ҳисобига тузилган хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини чуқур ўрганин.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича қўйидагиларни кўзда тутуви тақлифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

уюшмалар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибига киритиш корхоналарнинг тезкор фаолиятига асосан аралашувиға йўл қўймаслик чора-тадбирлари тизimini ишлаб чиқиш, амалга оширишни таъминлаш;

корхоналарни хом-ашё ва товар-моддий ресурслар билан таъминлашнинг бозор механизмларини тўла миқёсда жорий этиш, уларнинг уюшмалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари орқали тақсимланишиға йўл қўймаслик;

2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарув компанияларининг ишончли бошқарувиға босқичма-босқич топшириш.

8. Акциядорлик жамиятлари ижрочи органларининг, аввало директорлар корпусининг акциядорлар олдидати масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда: директорни (бошқарув раисини) тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида, асосан танлов йўли билан қабул қилинади;

директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномаси бир йил муддатга тузилади ва ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилиши, айрим ҳолларда эса кузатувчи кенгаш томонидан ана шу муддатни узайтириш ёки тўхтатиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиб турилади;

ижрочи орган томонидан келгуси йилга ишлаб чиқиладиган корхона бизнес-режаси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки унинг топшириги бўйича кузатувчи кенгаш томонидан тасдиқлансин лозим. Ишлаб чиқаришни ўстириш, фойда олишни кўпайтириш ва дивидендларни тўлаш ана шу бизнес-режанин энг муҳим кўрсаткичлари бўлиши керак;

директор (акциядорлик жамиятининг ижрочи органи) йиллик бизнес-режа қандай бажарилаётгани тўғрисида ҳар чоракда кузатувчи кенгаш олдидати ҳисобот беради. Кузатувчи кенгаш йиллик бизнес-режа қўлпош равишда бузилган ёки унинг тасдиқланган параметрларини бажариш банд этилган ҳолларда директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш ҳуқуқига эга;

ижрочи директорларни ва кузатувчи кенгаш раисларини моддий рағбатлантириш акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигиға тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

9. Белгилансинки, кузатувчи кенгашлар аъзоларининг фаолиятини уларнинг мазкур акциядорлик жамиятларидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб борилишиға йўл қўйилмайд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаш тўғрисидаги қўйидаги Олий бизнес мактаби таркибига Корпоратив бошқарув маркази ташкил қилинсин ҳамда унинг зиммасига кузатув кенгашларининг аъзолари ва директорлар корпуси учун корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот, самарали менежмент бўйича оқув курсларини ташкил этиш вазифалари ўқалсин.

11. «Қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш ва республиканин фонд бозорига хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ў.Султонов зиммасига оқлатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 январь

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 январь кўни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Элизабет Жонсни қабул қилди.

Биз Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни юксак кадрларимиз, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Бунга асосли сабаблар бор. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида деярли барча соҳада ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, икки томонлама самарали ҳам-

Каримовнинг ўтган йил март ойида АҚШга расмий ташрифи чоғида эса Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзоланди. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичға кўтарди. Хозирға қадар юртимизға АҚШдан қўллаб расмий делегациялар, жумладан, давлат котиби Колин Пауэлл, мудофаа вазири Доналд Рамсфелд, сенатор ва конгресс-

лар бўйича музокаралар бўлиб ўтганди. Э.Жонснинг бу галги ташрифини ушбу мулоқотларнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тиклишни жараёни, халқаро майдондаги вазият ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. (Уза).

Христофор Колумб, Руи Гонсалес де Клавихо, Мигел Сервантес... Бундай тарихий шахслар ҳақида эшитганимиз билан кўз олдимизға Испания келиши табиий. Дунёдаги энг йирик 50 мамлакатдан бири бўлган Испания қироллиги нафақат Европа ва Африка китъалари туташадиган ҳудудда, балки уларни Америка билан боғловчи сув ҳамда ҳаво йўллари кесишган нуктада ҳам жойлашган. Бу жүгрофий қўлайлик бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта имконият яратди. Айниқса, бевосита денгизға чиқолмайдиган мамлакатлар учун Испания портларидан фойдаланиш уммон ортға юк ташиш ва келтиришни осонлаштириши, йўл ҳақини арзонлаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Пиреней яриморалининг 85 фоиз ҳудудини эгаллаган Испания шимолдан Франция ва Андорра, ғарбдан эса Португалия билан chegarados. Унинг қирғоқларини Атлантика океани, Уртаер денгизи ҳамда Гибралтар бўғози суви ювиб туради. Мамлакатда 43 миллиондан зиёд одам яшайди. Уларнинг деярли 76 фоизи Мадрид, Барселона, Валенсия, Севилья, Сарагоса, Билбао каби шаҳарларда истиқомат қилади.

Давлат тузуми парламенти монархия ҳисобланган қироллик мухтор вилоятлардан ташкил топган. 17 вилоят ва 2 мухтор шаҳарнинг ҳар бири ўзининг парламенти, мустақил маъмурий бошқарувиға эга. Зеро, 1978 йили қабул қилинган Испания Конституциясида мамлакатнинг суверенитети ва бутунлиги билан бирга, амалда уларнинг мухтор сиёсат қўллаши белгилаб қўйилган.

Каталония - Испаниянинг иқтисодий тараққиёти жиҳатдан энг илғор вилояти саналади. Мамлакат ялли ички махсулотининг 20 фо-

ийлигини баҳорида ўрнатилган бўлса ҳам, халқларимиз орасидаги борди-келди олис мезгилға бориб тақалади. Амир Темури билан Испания қироллигининг тарихий ёзишмалари фикримизнинг ёркин далилидир. Ушбу мақтубларнинг асл нусхалари дунёнинг энг машҳур кутубхоналарида қимматли бойлик сифатида сақланаётгани икки ҳукмдорнинг турли масалалар бўйича маслаҳатлашувлари жаҳон айвонидаги ўзгаришларға қанчалик таъсир кўрсатганидан далолатдир. Испаниянинг машҳур та-

диган шприцлар ишлаб чиқарилиди. Илгари бундай тиббий ашёлар валютаға хориждан келтирилар эди. Испаниянинг «Феберсанитас» фирмаси ҳамкорлигида Тошкентда иш юритаётган мазкур қўшма корхонанинг дастлабки махсулоти мехрибонлик уйлариға ҳада этилганини айтиб ўтиш жоиз. Кейинчалик бир марталик шприцлар кетма-кет шиғохонлар, тиббиёт муассасалариға жўнатила бошлади. Шу билан бирга, махсулотнинг муайян қисмини экспорт қилиш йўлға қўйилди.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик сирасига мамлакатларимиз олий ўқув юрталари ўртасидаги алоқаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Испаниянинг Гранада ва Алкада де Энарес университетлари билан икки мамлакатнинг маданиятини, таълим тизimini ўрта-нишда қўлайликка эришиш учун дарслик ҳамда турли адабиётлар айирбўшлашға келишиб олган. Ана шу келишувға кўра, 1998 йили мамлакатимизда испан тили ва маданияти маркази ташкил қилинди.

Испания китъаларни тўташтирган мамлакат, дедик, Ўзбекистон эса асрлар давомида бутун дунёни қизиқтириб келган Марказий Осиё минтақасида ўз салоҳияти ва маъжуд имкониятларини жиҳатдан етакчи ўрин тутди. Демак, тенг шериклик асосидаги ҳамкорликдан ҳар икки томон бирдай нафанд қўлади. Президент Ислам Каримовнинг Испанияға бошланётган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришға хизмат қилиши шубҳасиз.

Озод РАЖАБОВ,
Уза шарҳловчиси

УЧҚЎРҒОНЛИКЛАР МАВСУМГА ТАЙЁР

Учқўрғон туманида маҳаллий машина-трактор парки ходимлари деҳқонларға яши ёрдам кўрсатди. Юзға яқин «МТЗ-80» тракторлари двигателлари тўлиқ таъмирланди. Бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ҳам эҳтиёт ва бутловчи қисмлар билан таъминланган. Тумандаги барча хўжаликларда экиш мавсумида ишлатиладиган машина ва механизмлар таъмирдан чиқарилиди. Эрта баҳорда туман далаларига культиватор ва ўғит сочмаш мосламалари билан жиҳозланган 200 га яқин ҳайдов трактори чиқди. 140 та севилка уруғлик чигитни плёнка остиға ва очик майдонларға сифатли экади. Бошқа техника ҳам жалб этилади.

ҒИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧГАН БЎЛСА-ДА...

Газетанин 2002 йил 2 июл сонидида «Жумбоқ ёхуд бир корхонани хусусийлаштириш неға 10 йилға чўзилди?» сарлавҳаси остида Жондор туманидаги «Табасум» университетини хусусийлаштириш жараёни неғадир чўзилгандан чўзилди, ниҳоят Қоракўл туманларо фўкарлик судининг аралашуви билан адолат қарор топганлиги ҳақида ҳолисона фикр юритилган эди. Суд ҳайъати масалани чуқур ўрганиб чиқиб, мазкур объектни унға қонунан мулкий даввогар саналган 20 нафардан ортик универмаг жамоаси вакиллариға хусусийлаштириб бериш тўғрисида яқдил қарорға келганди. Шу тариқа даввогар томон «Табасум» универмаги вакиллари жавобар «Жондор матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти

раҳбарияти орасидаги тугун ўз ечимини топгандек эди. Аммо... Хал қилув қарори жамият раиси Р.Муҳаммадиев, бош ҳисобчи Ш.Болтаевларға, қолверса, мазкур объектни хусусий қилиб олишға эришган Бухоро технология мосламалар фабрикасининг бошлиғи Қ.Бобоевларға унчалик хуш ёкмади. Натйжада суд қарорининг ижроси ҳафталарға, кейинчалик ойларға чўзилди. «Табасум»-чилар кимға ишоншини ҳам билмай қолдилар.

Мавзуга қайтиб

Улар кун оша ижрочиға учрайвериб, тоқталари-тоқ бўлди. Узоғи билан бир ҳафта, ўн кунға қолмай поёниға етказилиши керак бўлган ижро неға биринчи пайсалға солинди? Суд ижросини А.Ҳафизовнинг нусиға Қоракўл туманларо фўкарлик судининг ра-

(Давоми 3-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи



ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРДИ

Мамаюсуф ака эсини таниганида, ҳамма жойда уруш асоратлари ҳукм сурар, одамлар яхши кунлар умидида меҳнат қилишарди. Мамлакатга билимли ёшлар, иқтидорли мутахассислар етишимасди. Ана шундай оғир йилларда ҳам отаси Шодмон бобо болаларининг келажagini ўйлади. Уларни ўқишга даъват этди. Ота кўрсатган йўлдан юриб, Мамаюсуф ака кам бўлмади. Захматли меҳнатлари эвазига элда обрў-эътибор топди, вилоят микросидаги раҳбарлик лавозимида ҳам ишлаш наъсиб этди. Нафақага чиққач, қишлоққа қайтиб, тадбиркорлик йўлини тўғди, ишлаб чиқаришга қўл урди. Фермер хўжалиги ташкил этди.

Булунғур туманининг ўзи туғилиб ўсган Жонхўроз қишлоғига оиласи билан кўчиб келиб, шу яқин атрофдан 2 гектар ер олди. Асли касби дорिशунослик эмасми, барча майдонларга наъматак экди. Уни парваришлар осон эмас. Фойда ҳам ҳадеганда кўринавермайди. Лекин элнинг саломатлиги ҳамма нарсадан муҳимроқ. Нарматак меваси унлаб касалликларга даъво. Кимёвий усулда ишлаб чиқарилган дорилардан фарқи - мутлақо беэиён.

Мамаюсуф Шодмонов бир-икки йил ичида қишлоқнинг ер шароитини яхшилаб ўрганди. Фойдаланилмай қолиб кетаётган парча-парча ерларни ҳисоблаб чиқди. Ана шу жойларга жами 100 минг тубдан зиёд терак кўчатлари ўтказилди. Бунинг самараси нечоғлик катталигини англаб олиш қийин эмас.

Ҳозир унинг раҳбарлигидаги «Жонхўроз

МШ» фермер хўжалигига тегишли 130 гектар ер бор. 45 гектар майдонда галла етиштирилади. Бундан ташқари боб ва тоқзорлардан ҳам мўл ҳосил олинмоқда.

Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида шунча даромадга яраша хузур-ҳаловатда яшайверармиди? Лекин Мамаюсуф ака ўзгача йўл тутди. Дастлаб қишлоқда янги дўкон очди. Орадан бир йил ўтиб, таркибида қариярлар чойхонаси, кутубхона, кичик клуб бўлган маънавият-маърифат масканини қурди.

Бундай ишлар нима учун зарурлигини қишлоқларимизнинг ўн-йигирма йил олдинги аҳолидан хабардор киши яхши тушунади, - дейди М.Шодмонов, - Одамлар маданиятнинг замонавий ўзгаришларидан бебахра қолишарди. Улар даладаги меҳнатдан сўнг маънавий-маданий ҳордиқ чиқариша олмасди. Бизнинг вазирамиз эндиликда уларнинг тафаккурини уйғотишдан

иборат.

Сўхбатни 29-мактаб директори О.Жуманов давом эттирди:

Мақтабимизнинг аввалги биноси ниҳоятда хароб қолга келиб қолганди. Янги бино қурилишини бошлаш учун биз бормаган эшик қолмади. Лекин маблағ йўқ, деганларни эшитдик. Шунда М.Шодмонов бошлиқ тадбиркорлар жамоаси химмат кўрсатди. Икки йил ичида мактабнинг 240 ўринли янги биноси қуриб битказилди. Ҳозир ўқув лабораториялари, устахонлари, спорт зали, ошхона ўқувчиларга узлуксиз хизмат кўрсатяпти. Хуллас, мактабда замонавий таълимни тўлиқ жорий қилиш имконияти пайдо бўлди, - дейди у.

Комила УМИРОВА, тадбиркор.

Мана етти йилдирки, Пастдаргом туманидаги юзлаб қишлоқ тадбиркорлари қаторида, «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги ҳам фаолият кўрсатмоқда. Мазкур фермер хўжалиги республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ вужудга келди. Унинг раҳбари Тожибой Мелиев деҳқончилик илмини пухта эгаллаганлардан. Шунинг учун ҳам экинлар парваришида айт нарса эътибордан четда қолмайди. Натижада галлачилик ва пахтачиликда муттасил мўл ҳосил етиштириб келинмоқда.

«Қишлоқ хўжалигини иқтисодий юксалтириш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида ҳукуматимиз амалга ошираётган сиёсат биз каби тадбиркорларга катта имконият берди, - дейди «Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги раҳбари Т.Мелиев. - Дастлабки йиллардаёқ шартномавий

режани бажариб, етиштирилган ҳосилдан келган фойда ҳисобига бир неча техника воситалари сотиб олдик. Ҳозир экин парвариши, ҳосилни йиғиб олиш учун зарур техникаларимиз бор.

РЎЗБОРГА БАРАКА КИРДИ

Бу эса ҳар бир тадбирчи ўз вақтида юқори сифатли бажарилишида жуда муҳимдир.

«Биринчи қалдирғоч» фермер хўжалиги жамоаси аъзолари давлатга наф келтириш билан

бирга, ўзларининг рўзгорларига ҳам барака киритишмоқда. Бундан ташқари шарқона аъналарга содиқ ҳолда ҳар йили олинган фойда ҳисобидан қишлоқ, маҳалла ободончилигига ҳисса қўшилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиляпти. Сирасини айтганда мана шундай заҳматкаш, саховатли тадбиркорлар меҳнати тўғрисида муҳим сўзларни эшитириш ниятида мавсум тараддудини кўрмоқдалар.

Т.Мелиев раҳбарлигидаги фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш ниятида мавсум тараддудини кўрмоқдалар.

Суратда: фермер хўжалиги аъзолари.

К.РУСТАМОВ.



ҲИММАТ

Нарпай туманидаги «Армуғон» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлигида 10-мактабга қўшимча синф хоналар қурилди. 8 та хонадан иборат қўшимча бинони тиклашга 7 миллион сўм керак бўлди.

Пайариқлик қишлоқ тадбиркорлари Маъмур ота Мухторов болалар келажagini кўзлаб савоб ишга қўл

урди. Унинг ҳиммати тўғрисида 41-мактаб янги икки қаватли бинога эга бўлди.

2001 йилда Ургутдаги 30-мактабда ҳам янги бино қурилди. Икки қаватли замонавий бинони ака-ука Саидмурод ва Акбар Нуруллаевлар тиклашди. Маърифат йўлида фидоилик кўрсатган тадбиркорларга балли!

Иш бошқа, гап бошқа

ФЕРМЕРГА НЕГА ЕР БЕРИЛМАДИ?

Кимнингдир меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди. Кимдир тўқин-сочинлиқни кўзлаб астойдил меҳнат қилади. Тошмурод Хайдаров ҳам ана шундай яхши ниятли инсонлар сирасига кириди. Бир неча йил муқаддам фермер бўлишни орзу қилиб далага чиқди. «Иттифоқ» ширкат хўжалиги ҳудудидан 4 гектар ер олиб, деҳқон хўжалиги ташкил қилди. Кейинчалик у фермер хўжалигига айлантирилди. Ҳамқишлоқлари, фарзандлари билан сидақидилдан ишлаб мўл ҳосил етиштириб бошлади. Зиммага олинган топшириқлар муттасил адо этиб келинди.

Хўжалиқда пахта ва галла етиштиришнинг сир асорларини обдон ўрганишди. Сўнгга ер майдонларини кенгайтиришни ният қилишди. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиқлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси 3-бандига биноан экин майдонларини 10 гектарга етказишни мўлжалладилар. Т.Хайдаров Нарпай туман ҳокимлигига мурожаат қилди. 1999 йилнинг 9 августда туман ҳокимининг қарори билан хўжалиқ фермер мақоми берилди, аммо ер ажратилмай қолаверди.

Келажакда катта режаларни амалга оши-

ришни ўйлаб қўйган Т.Хайдаров хайрон бўлиб қолди. У қайта-қайта туман ҳокимига, «Иттифоқ» ширкат хўжалиги бошқаруви раисига мурожаат қилаверди. Аммо ижобий натижа бўлмади. Орадан ўтган 3-4 йил мобайнида Т.Хайдаровнинг бормаган идораси, қирмаган эшик қолмади. Адлия идоралари, масъулиятли маҳкамалар умидбахш жавоблар беришди. Бироқ, масала жойида ҳал бўлавермади. «Иттифоқ» ширкат хўжалиги бошқарувининг собиқ раиси Х.Шукруллаевнинг айтишига қараганда, умумий йиғилиш қатнашчилари «Хайдарбобо» фермер хўжалигига қўшимча ер

ажратилишига рози бўлишмаган эмиш. Бу гап ҳам ғирт ёлғон эди. Холбуки, хўжалиқда қўриқ жойлардан бўлса ҳам ер ажратишнинг имкони бор бўлган. Т.Хайдаров шу алфозда ишлашга ҳам розилик билдирган.

Иш ижобий натижа толавермагач, фермер вилоят ҳокимига мурожаат қилди. Оқибатда, туман ҳокимининг 2002 йил 5 сентябрдаги қарорига биноан «Хайдарбобо» хўжалигига атиги 1,46 гектар майдон қўшиб берилди.

Кишини жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг қонун талабларига риоя этмаётганиданлари таажублантиради.

Ўқоридаги ҳолатда ҳам ана шундай вазият юзага келган.

Уйлаймизки, Нарпай туман ҳокимлиги, «Иттифоқ» ширкат хўжалиги бошқаруви қонун устуворлигини таъминлаш учун барча ишни қилад.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲАМКОРЛИК ИККИ ТОМОНЛАМА

Бугунги кунда Андижонда саккизта автоматик телефон станцияси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бештаси - рақамли АТС. Утган йили «Андижон-Телеком» акционерлик жамияти шахар бўлимининг миждозлари сонининг кичишга орди.

Шуниси муҳимки, асосий қўрсаткич - кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича режа ошиши билан бажарилди. Пул билан ифода қилинганда бу 1 миллиондан ошиб сўмини ташкил этди. Фирма сервис хизмати билан ҳам шуғулланмоқда. Барча автоматик телефон станцияларида абонемент ҳақини тўлаш шохобчалари очилган. «ДЗУ-Телеком» ускуналари билан жиҳозланган рақамли АТСлар ишга туширилган, алоқа сифати анча яхшиланди, кўрсатилаётган хизматлар тури ортди.

Муаммолар ҳам юзга келмоқда. Миждозлар шахарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун ҳисоб-китоб қилишдан бош тортишади, алоқачиларнинг ўзини айбашади. Рақамли АТСларда ўрнатилган тариф маълумотларнинг мағиғт ускунаси шахарлараро ва халқаро тармоққа чиқувчи ҳар бир кўнчируқни қайд этади. Бу жараёнда одам аралаша олмади. Бу ерда халқаро ва шахарлараро тармоқдан фойдаланмайдиган миждозлардан пул талаб қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бироқ, амалда миждозлар телефонларидан бегона шахслар фойдаланиши ҳолатлари мавжуд. Булар қўшнилар, таниш-билишлар ёки қариндошлар бўлиши мумкин. Одатда бундай одамлар кўнчируқ қилганини инкор этсада, охири оқибат тан олади. Шунингдек, хонадорлар олди-сотти қилинганда аввалги эгалари телефон бўйича қарзларни тўлашни «унутишди». Бугунги кунда телефон мулоқот воситасидир. Аммо, ҳамма нарса учун тўлаш керак. Шу сабабли миждозлар телефон станциясидаги алоқа икки томонлама бўлиши зарур.

(ЎЗА).

Фермерларнинг махсулот етиштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги фаолиятига гап йўқ. Улар мамлакат иқтисодида катта ҳисса қўшмоқда. Аммо мулоҳаза юриштишга ундайдиган баъзи жиҳатлар ҳам бор.

Ҳаммани бир хилда баҳолаб бўлмайди. Бироқ гайритабиийроқ усулда иш юритаётган фермерлар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги кунда баъзи туманларда МТПларнинг техникавий хизмат кўрсатиши имконияти чекланган, ширкат хўжалиқларида техника етишмайди. Аиникса, гўза парвариши даврида қатор орасига ишлов беришда қолиқ тракторлари камлиги яққол сезилади. Аниқроғи, кўпчилик фермерлар асосан ўғит ва бошқа махсулотларни ташшида, экинларга ишлов беришда хусусий тракторлар хизматидан фойдаланади ёки ширкат хўжалиги ва

ҚАЛБ ЁНМОҒИ КЕРАК

бошқа ташкилотнинг техникасини жалб этади. Лекин бунда на шартнома на бошқа бирор ҳужжат расмийлаштирилади. Фермернинг харажати, ишни бажарган томоннинг даромади ҳисоб-китобларга кирмайди. Бунинг оқибатида даромад солиқдан яширилади. Ёки бундан кимдир, айтилиқ хўжалик зарар кўради. Яъни ёқилги, амортизация харажатлари ширкат хўжалиги ҳисобига ёзилади-ю, фермер нақд тўлаган пул тракторчининг чўнтағига қиради. Қишлоқ хўжалиги техника воситалари билан

етарли таъминланмаса бу масалани ҳал қилиб бўлар-

Мулоҳаза

мади билан сарфлаш, молиявий операцияларнинг қонунийлиги даражаси каби масалалар билан қизикмайди. Ваҳоланки, фермер хўжалигининг иқтисодий ўсиши, молиявий барқарорлиги ҳисоб-китоб ишларига боғлиқ. Демокчиманки, ҳар бир фермер «давлат олдидаги шартномавий мажбуриятини бажармай, белгиланган миқдордаги махсулотни етказиб бердим, бугеи билан кимнинг иши бор, иштиёр ўзимизда»-деган туршунчадан воз кечиб, долзарб масалалар хусусида бош қотиришга дуруст бўларди.

А.НОСИРОВА, Жомбой тумани, меҳнат фахрийси.

Боймуродда бир кун

данинг 37 миллиони ишловчиларга дивидент сифатида ажратилди. Чунки моддий бойликларни яратган шулар. Шундай экан, фойдадан даставвал уларнинг оиласи бахраманд бўлишга ҳақли. Қолаверса, овул ва фермалардаги кам таъминланган оилалар,

қурилган қариялар чойхонасида замона фойзи ва шуқуҳидан миннатдор қоллар қаршилайди. Улар бир пайлар улкан яратувчилик ишларини амалга оширишган. Ҳозир эса эл аордида хурмат эъзозда. Шундоқ чойхона биқинидаги икки қаватли ҳаша-

вий бозор қурилгани бу ерга келувчилар сонини янада оширди. Усти ёпилган, атрофи шинам савдо расталари, ошхоналар ўралган бозордан истаган нарсангизни топишингиз мумкин. Одамлар энди бозор-ўчар деб узок шахарларга сарсон бўлмайди. Овул шифохонаси бутунлай қайта таъмирланди. Залга мрамар плиталар ётқизилди. Касалхонага хўжалик маъмурияти томонидан янги «Дамас» автомашинасининг калити топширилди. Энди шифокорлар олис яйловлардаги беморлар ҳолидан хабар олиш учун хўжалиқдан машина сураб юришмайди, ўз машиналаридан боришади.

Бу ерда от спортидан ташқари футбол; волейбол ҳам ривожланмоқда. «Умид ниҳоллари» туман босқичида боймуродлик ёшлар биринчи бўлишди. Хўжалик маъмурияти жорий йилда теннис корти, волейбол, баскетбол, кураш ва бошқа спорт турлари бўйича мажмуа барпо этишни режалаштирган.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ЧЎЛДА ГЎЗАЛЛИК ЯРАТАЁТГАНЛАР

қилиб қарашса, ялпи даромад 830 миллион сўм, соф фойда 263 миллион сўмга етибди. Шу йили 5-ферма чўпони Нортой Бердиев, 1-ферма чўпони Рустам Ирисовлар номи республикамиздаги катта-катта анжуманларда донгдорлар сафида тилга олинди. Ёш чўпон Берикбой Дарменов эса «Шухрат» медални билан тақдирланди.

Хўжалик аъзолари ҳалол, меҳнатлари билан топилган маблағларини ҳуда-бехуда сарфламайдилар. Етти ўлчаб, бир кесишади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Олинган фой-

қариялар дори-дармон, дамволаниш ва дам олишга муҳторлар. Овул шифохонаси, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, бунёдкорлик ишлари ва бошқа маданий-маиший тадбирлар эътибордан четда қолмаслиги керак. Боймуродга уч-тўрт йил илгари келганмишди. Энди бу ерда сиз билган эгри-бугри кўчалар, путурдан кетиб, тўқилай-тўқилай деб турган уйлар йўқ. Овул бош режа асосида бутунлай қайтадан қурилмоқда. Овулга қиравершингизда сизни Нурота марширдан шинам ва кўркам қилиб

қурилган қариялар чойхонасида замона фойзи ва шуқуҳидан миннатдор қоллар қаршилайди. Улар бир пайлар улкан яратувчилик ишларини амалга оширишган. Ҳозир эса эл аордида хурмат эъзозда. Шундоқ чойхона биқинидаги икки қаватли ҳаша-

ХУНАР - ХУНАРДАН УНАР

Халқимиз азалдан хунараманд. Юртимизда халқ амалий санъати аъналарининг давом эттириб, аҳоли учун зарур махсулотлар тайёрлаётган қўли гул хунарамандлар кўп. Шулардан бири пойтахтимиздаги «Сопол буюмлари» кичик корхонасидир. Бу ерда 120 хилдаги чиройли, бежирим сопол ва чинидан эскилик сояғалари, рўзгор буюмлари тайёрланмоқда. Утган йили корхона томонидан 16 миллион сўмдан ортқ махсулот ишлаб чиқарилди. Корхона жамоаси маҳаллий хомашдан фойдаланиб, икки бозоримизни сифатли, зарур махсулотлар билан таъминлаш ишига ҳисса қўшаётди.

Махсулотларимизга ҳарчанд ҳам асосан савдо марказлари, гул дўконлари, ҳудудий тадбиркорлар хисобланади, - дейди корхона директори Владимир Шабалин. - Пойтахтимиз меҳмонлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг буюмларини сифатли бажаришмоқда. Ҳар йили савдо ташкилотлари билан 70-80 та шартнома имзолашди. Корхона хунарамандлари қилган сайқал топтаган буюмлар республикамиз кўргазмаларида бир неча бор диплом ва мукофотлар билан тақдирланган.

(ЎЗА).



Жизза вилоти Ш.Рашидов номли бирлашган илмий-универсал кутубхонада 120 мингта китоб бўлиб, 3 мингдан ортик китобхонага хизмат қилади.

Суратда: кутубхоначи **Ширин Ахмедова**. **Б.НОКУЛОВ** олган сурат.

БОШИ ТАНАСИДАН ЖУДО БЎЛГАНДИ

Ажали етмаган қирқ йил қирғинда ҳам омон қолади, деганлари рост экан. Бу иборанинг тўғрилиги америкалик 18 ёшли Маркос Паррнинг бошига тушган ташвиш аққол мисол бўла олади.

Хайрам!

Яқинда АҚШнинг Аризона штатида қаршли Феникс шаҳридаги Бэрроу неврология институти шифокорлари тиббиётда ҳали учрамаган ноёб жаррохлик операциясини амалга оширди.

Жаррохлар автомобил ҳалокатига учраган ҳайдовчининг узилиб кетган бошини танасига қайта тикди. Маркос Парра шифокорлар тиги остидан соғ-омон чиқиб, ҳозир баскетбол ўйнашни машқ қилмоқда.

Фожеа ўтган йили юз берган бўлсада, унинг тафсилотлари энди ошкор этилпти. Маркос ўтирган машина катта тезликда қарши томондан маст ҳайдовчи

бошқариб келаётган автомобил билан тўқнашади. Қаттиқ зарбдан Маркоснинг боши олдинга отилиб кетади. Зарба шунчалик қаттиқ бўладики, бўйин териси бошни ушлаб қолишга кучи етмай узилиб кетади.

Усмилри Яратганининг ўзи ёрлакаган экан. Маркоснинг артерия қон томирлари қаттиқ зарбага бардош бериб, узилмаб қолади. Бош мия лат еган бўлса-да, орқа миядан узилиб кетмаган экан. Шунингдек, нерв толаларнинг бутунлиги ҳам шифокорлар учун умид учунларини ёлқинланган.

Тиббиёт соҳасида мўъжизалар тез-тез учраб туради. Лекин бунақаси ҳали бўлмаган эди. Шу жиҳатдан ҳам Маркоснинг омон қолишига жаррохлик тажрибасида ноёб воқеа сифатида қаралмоқда.

(ЎЗА).

Боболар мероси - олтин хазина

Абдурауф ФИТРАТ

УЙЛАНИШ ОДОБИ

бўлажак эр-хотин биринчи навбатда нималарга аҳамият бериши лозим?

Уйланиш учун тўрт нарсани эътибор бериш лозим: мол, насаб, хусн ва йимону эътиқод. Уйланиш орузида бўлган эр билан хотиннинг мол (бойлик)лари ва насаблари тақрибан бир хил бўлиши лозим. Акс холда эр хотин бир-бирларига тенг бўлмай,

молнинг ҳам маълум чега-раси бўлмайди. Масалан, сизнинг назарингизда, хунук кўринган сурат менга ёқши, дилмини забт этиши мумкин. Аксинча, менга ҳеч қачон манзур бўлмайди сурат, сизни бир қарашда лол ва хайрон этиши мумкин. Шу мушкулотни ҳал қилиш учун куёв ва келин фотиҳадан олдин бир-бирларини кўриб ёқтиришлари лозим.

Юқорида зикр этилган гузаллик (жамол) ҳақидаги сўзларимиз зоҳирий (ташқи) жамолдир. Агарда у ботиний (ички) жамол билан, яъни ахлоқ хулқ билан боғлиқ бўлса, бир тийинга қиммат. Кимки ўз ихтиёри тизгинини ҳайвоний шавват қўлига бермаган экан, доимо ички жамолини ташқи гузаллиги билан, яъни хусни ахлоқини қора кўзлари ва камон қошлари билан зийнатлайди. Диндорлик, яъни хуш-ахлоқ бўлмоқ ҳар бобда, хусусан, уйланиш бобида ниҳоятда зарурдир. Чунки юқорида баён қилганимиздек, уйланиш бу ҳаётда шериқликнинг аҳду паймонидир. Эр-хотин бирга бўла туриб, ҳаёт йўлида биргаликда бўлмоқ ва бир-бирларига ёрдам бермоқ учун аҳд қилдилади. Бир-бирларининг ҳаққига зулм, жафо ва хиёнатни раво кўрмайдилар. Табиийки, эр-хотин агарда диндор, диёнатли ва ахлоқи ҳамидага эга бўлсалар, шу аҳду паймонлариға бир умр собит қоладилар. Бу нарса аниқки, ваъдаға хилоф бўлмаса, уйланиш ўз-ўзидан зарарға айланади.

Шу нарса маълум бўлдики, қалбий мойиллик жамол мушоҳадаси (келин-куёвнинг бир-бирларини кўргандан сўнг пайдо бўлган мойиллик)нинг натижасидир. Бас, тўйдан олдин келин-куёв бир-бирларини кўришлари зарур. Агарда бани Одам табиати ҳар хил бўлмаганда ёки хусн ва жамол муайян мезонға эга бўлганда эди, эр-хотиннинг хусн-жамолларини билмоқ ва баҳо бермоқ совчилар орқали бўларди. Лекин одам табиати ҳар хил, хусн ва жа-

куёв ва келин хуш-ахлоқ бўлишлари энг яхши фазилатдир.

Уйланишни орзу қилган эр ва хотин ўзаро аҳоқларини текширгандан сўнг, насаб ва бойликлари мувофиқ келганда, ички ва ташқи жамолларини ёқтириб, уйланишға рози бўлгандан кейин уларни никоҳ қилиш керак. Улардан бири рози бўлмаса, никоҳдан воз кечиш лозим, чунки ривозиз никоҳ аҳлиликка олиб келмайди.

Абу Ҳурайра (р.а) ривоят қиладилар: «Пайгамбар (с.а.в) дедилар: «Бева то амр қилмаса ва киз розилик бермаса, никоҳ қилманлар. Асҳоб сўрадилар: «Киз ҳаёдан розилик бера олмайди, кизнинг розилиги қандайдир?» Ҳазрат бу-журдларки: «Кизнинг сукут сақлаши унинг розилигидир».

Саид бин ал-Мусайиб (р.а) ривоят қиладилар: «Пайгамбар (с.а.в) дедилар: «Кизларнинг отаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар, никоҳ пайти ўзларидан розиликларини олмақ зарурдир». Шу ҳадислардан юқорида баён этилган мулоқотнинг шартлиги маълум бўлади. Аёлнинг розилик бериши куёвни кўриб ёқтиришиға боғлиқ.

Энди яна бир масала қолди. Қайтарсақ ҳам айта-мизки, уйланишнинг буюк мақсади ва фойдаси фарзанддир. Шунинг учун ҳам... Уйланишнинг булган ҳар бир йилити ва киз олдиндан ўзларини бирон-бир билимдон дўхтирга кўрсатишлари лозим. Ма-бодо, биронталари дарғада муфтапо бўлсалар, унда иложини олдиндан олишлари жоиздир. Шундан сўнг никоҳ қилсалар бўлади.

Оиласининг содати ва роҳатини уйлаган одам, бу шартларға рояэ этиши шартдир. Агарда тижорат билан шуғулланаётган шериқлар ўртасида низо ва нафрат пайдо бўлса, албатта, ишларига зарар ва зиён тегади. Биз айтдикки, эр-хотин ҳаёт йўлида бир-бирларига умр йўлдоши бўладилар. Умр йўлдошлари ўртасида жанжал ва нафрат пайдо бўлса, фақат бахтсизлик ва фалокат келтиради.

СОДИҚ ДЎСТ

Анча вақтлар илгари Шотландиядаги кичкинагина уйчада икки дўст яшарди. Улардан бирининг исми Жон, иккинчисиники эса Бобби эди.

Жон ва Бобби бой бўлмасалар-да, лекин улар жуда бахтли эдилар. Ташқарида совуқ бўлганда, улар уйларидаги печка яқинида узоқ вақт исиниб ўтиришар, қоринлари оғанда эса мазали овқат тайёрлаб ейшарди.

Жон ҳамда Бобби узоқ сайрга чиқишни жуда ёқтиришарди. Сайрдан сўнг, одатда Жон тушлик тайёрлашға киришиб кетарди. Тушлиқдан кейин эса, икки дўст олов ёнида бирга ўтиридилар. Хуллас, улар оддий, лекин яхши

хаёт кечирардилар.

1858 йилнинг баҳорида Жон тўсатдан қандайдир касалликка чалиниб оламдан кўз юмади. Уни Шотландиянинг Эдинбург шаҳридаги қабристонга дафн қилдилар. Жон дафн этилган, Бобби узоқ йўлга эди. «Кўй энди, Бобби, юр уйға кетамиз», дейишди дўстлари. Ниҳоят, Бобби уйға қайтди. Аммо бироздан сўнг у яна қабристонга қараб йўл олади. У Жоннинг қабри яқиниға ўтириб олганча тунни шу ерда ўтказди.

Деярли 14 йил давомида Бобби ҳечам қабристонни тарк этмади. Ёмгир ёққанда ёки совуқ кунлари у қабрис-

тондаги уйчада уқларди. Ҳаво илиқ бўлиши биланоқ Жоннинг қабри яқиниға келиб ётарди.

Ва ниҳоят, 1872 йилда Бобби ҳам вафот этгач дўстлари уни Жоннинг яқинидаги кичкинагина қабрга дафн этдилар.

Табиий савол туғилади: Хўш, нима учун Боббининг қабри кичкина эди? Чунки Жоннинг энг яхши дўсти бўлмиш Бобби — ит эди...

Шотландияда ҳозир ҳам бу итнинг номини ҳурмат билан эслайдилар. Хатто, унга атаб аjoyиб хайкал ҳам қўйганлар. Ҳар йили минглаб туристлар «ўз эгасига содиқ бўлган ит — Боббининг хайкалини кўргани Эдинбург шаҳриға келишади.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ.

ҚУДДУС — АБАДИЯТ ТИМСОЛИ

Тошкентдаги замонавий санъат марказида исроиллик мусаввир Михаил Левитнинг «Қуддус — абадиёт тисоли» мавзусидаги фотокўргазмаси намойиш этилмоқда.

Қуддусни яхудиёллар, мусулмонлар ва насронийлар муқаддас шаҳар деб биладилар. Чунки бу ерда уч дин қадам-жолари мавжуд бўлиб, улар «Ноллар девори», «Олло то-бути қўйилган ибодатхона» ва Ал-Ақсоидир. Ҳозирда мазкур уч буюк муқаддас гўша бутун дунё зияратчиларининг қадам-жосига айланиб қолган. Қуддус Муҳаммад алайҳиссаломнинг еттинчи осмонға кўтарилган жойи, Ал-Ақсо номи билан тилға олинади. Исроиллик сураткашнинг фотоларида Қуддуси шарифнинг муқаддаслиги акс этган.

Михаил Левит Самарқандда таваллуд толган. - деди марказ санъатшуноси Саида Илҳомова «Туркистон-пресс» муҳбириға. - Ҳозир у Исроилда яшаб ижод қилади. М. Левит кўплаб халқаро, шунингдек, бир неча шахсий кўргазмалар иштирокчиси. Унда бошқа сураткашларнинг назари тушмаган, ўзига ҳок бўлган табиийлики илғаш кўчи. Левит асарларида, гарчи кўз ўнгини-ғизда тасмада қотиб қолган лавҳа тасвирланган бўлса-да, оламнинг бутун уйғунлигини, ўзгарувчан ва ранг-баранглигини ҳис этасиз.

Ранг-баранг олам СИМДОР УСТИДА 4 КУН

Симдор устида узоқ туришининг ўзи бўлмайди. Буни қарангки, Руне Ульссон исмли 22 яшар ўспириннинг бундай жасорати кўпчилики хайратға солди.

У 104 соату 25 дақиқа сим устида дам олмай турган. Бу вақт ичида у 100 стакан кофе ичган. Швециянинг Вингөкер шаҳри аҳолиси истироҳат боғида тўрт кечакундуздан кўпроқ ана шу мароқли томошани кўриб турган.

СЕРГАК СОАТ


Швейцариянинг соат заводларидан бирида аjoyиб бир будильник ишлаб чиқарилди. Бу соатнинг галати хусусияти шундаки, у кишини, агар у учинчи кўнғироқдан кейин ҳам бошини кўтармаса, юз-кўзларига хушбўй бир суюқлик пуркаб уйғотади.

ҚУМДА ҚИЗДИРИЛГАН ГУРУЧ

Маълумки, гуручни омборға жойлашдан олдин яхшилаб қуритилади. Филиппинлик мутахассис олимлар гуруч қуритишнинг галати усулини топишди.

Гуруч агар нам бўлса, унга 200 даража иссиқда қиздирилган кум аралаштирилади. Орадан 15 сония ўтар-ўтмас гуруч намлиги 33 фоздан 18 фозгача тушади. Шундан кейин унга иссиқ хаволи шамол берилади. Қарабисизки, ҳам гуручдан нам қолади, ҳам бир йўла кумдан тозаланади.

А.АЛИЕВ.



Белгиланган хонадан рақам атрофиға соат мили йўналишида:


- 6. Футбол команди.
- 8. Жанубий Америкадаги давлат.
- 10. Россиянинг шимолий-ғарбидаги вилоят.
- 12. Улкан ёдгорлик хайкали.
- 14. Ясси геометрик шаклнинг барча томонлари узунлиги.
- 22. Ҳордик чиқариш ва овқатланиш маскани.
- 24. Бирор модда зарраларининг бошқа модда орасига аста-секин кириб бориши.
- 26. Чет мамлакатлар билан расмий алоқа қилиш учун ўз ҳукумати томонидан вакил этиб тайинланган киши.
- 28. Газларга оид қонуи кашфиётичиси, итальян олими.
- 30. Жисмининг мажбурий тебранишлари амплитудасининг ошиб кетиши.
- 33. Радио қурилмаси.
- 35. Ўзбек халқ куйи.
- 40. Изқувар мазмунидаги асар.
- 42. Атоқли қирғиз ёзувчиси.
- 48. Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» хиссаси қаҳрамони.
- 50. Фармон-биби образи билан танилган устоз санъаткор.
- 52. Китоб, мақоланинг қисмини англатувчи белги.
- 54. Нам ўтмайдиған матодан тўқилган паль-

то. 56. Жанубий Америкадаги дунёда энг катта пасттекислик.

64. Металл кесиш дастгоҳининг ўқи. 66. Театр томошасидаги зарур ашё ва буюмлар. 68. Фаргона вилоятидаги туман. 70. Наманган вилоятидаги шаҳар. 72. Металл синч.

Эниға: 7. Кулги. 9. Тасвири хумбоқ. 11. Насрий асар тури. 13. Дуккакли экин. 15. Болтиқ бўйи республикаси пойтахти. 21. Суяк касаллиги. 23. Сабзавот экини. 25. Савдо ёки саноат корхонаси. 27. Миллий нон тури. 29. Олий мукофот. 34. Билимни синаш усули. 36. Перу пойтахти. 39. Чорва хайвони. 41. Нарх. 49. Ёгин-гарчилик. 51. Ҳинд эпоси номидан «Калила ва ...». 53. Ботир Зокиров ижро этган кўшиқ. 55. Танлов. 57. Йиртқич хайвон. 63. Йил даври. 65. Гул тикиш усули. 67. Чоржўй вилоятидаги шаҳар. 69. Газлама тури. 71. Тошкентдан оқиб ўтувчи канал.

Бўйиға: 1. Хўл мева. 2. Танкили кулгу устаси исми. 3. Ёшлар жамғармаси. 4. Бўёқ ишлаб чиқариладиган маъдан. 5. От-улов абзали. 16. ... Мухтор (ёзувчи). 17. Мўғулистон ва Хитойда-



Газетанин 11-сонидаги кроссворднинг жавоби

Эниға: 5. Амортизатор. 8. Гепард. 9. Нон. 11. Диплом. 12. Рулетка. 13. Пойтеша. 14. Ганди. 18. Китоб. 19. Линза. 21. Кабоб. 23. Соққа. 25. Хуросон. 27. Дарслик. 29. Оқил. 31. Бува. 33. Волга. 34. Сонет. 35. Муфта. 36. Санг. 38. Инжу. 39. Эстрада. 40. Елвизак.

Бўйиға: 1. Америка. 2. Этан. 3. Азон. 4. Полигон. 6. Геология. 7. Волебл. 10. Озон. 14. Гилос. 15. Ижара. 16. Кокос. 17. Сапёр. 20. Нахш. 22. Буivol. 24. Диоген. 26. Нақд. 27. Давр. 28. Агра. 30. Лауреат. 31. Батарей. 32. Морж. 37. Герб. 38. Илик.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

рддаги дарё. 46. Юқори сифат. 47. Хўл мева. 58. Жун газлама. 59. Судрали юрвчи жонивор. 60. Частота бириги. 61. Ўринбосар, ёрдамчи. 62. Муқаддас даргоҳ.

АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Айрим касалликларни илоннинг захари, териси, гўшти билан даволаш шарқ тиббиётида илгари маълум бўлган. Абу Али ибн Сино тоғ ва чўл қора илонидан турли касалликларни даволашда кенг фойдаланган.

Бу ҳақда афсоналар ҳам бор. Эмишки, қадим замонларда бир киши мохов касали билан оғирган экан. У вақтларда бу юқумли касалликка чалинган беморлар бошқа соғлом кишилардан ажратиб қўйилмаган.

Бир кўни катта идишдаги май ичига иттиқо бир захарли илон тушиб қолади. Одамлар мохов кишининг касали бошқаларға юби қолиши хавфининг олдини олиш мақсадида унга илон тушиб ўлган майдан қўйиб берадилар. Бироқ натижа одамлар кутганича бўлиб чиқмади.

Орадан кўп вақт ўтмай, бемор аста-секин холсизланиб, ўлиш ўрниға, аксинча, ундаги мохов касаллигининг аломатлари бирин-кетин йўқола бошлади.

Бемор қолган майни ҳам ичди ва батамом тўзалиб кетди. Бу воқеадан кейин чўл ва тоғ қора илоннинг захари, гўшти ва териси мохов касаллигини даволашда ишлатилдиган бўлиб қолган.

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
 E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
 Босишға топшириш вақти - 21.00
 Топширилди 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Наир кўрсаткичи:** 133; 134
 Газетаға 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютеризда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.